

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА
КАФЕДРАСИ**

**“ШАРҚ ТИЛЛАРИ ТАЪЛИМИ ВА БУХОРИЙЛАР МЕРОСИНИ
ЎРГАНИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ”
МАРКАЗИ**

**“АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ
МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛҚ ШАРҚ
РЕНЕССАНСИ ҲАМДА ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИШДАГИ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
ТЎПЛАМИ**

2022 йил 16-17 июнь

Бухорои шариф – 2022

**ҲАДИС ИЛМИДА “АМИР АЛ МЎМИНИН” МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ
БУХОРИЙНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ
Гули Баҳриддиновна ТЎРАЕВА**

Бухоро давлат университети Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси.

Ҳадис илмининг ривожидан олтин давр ҳисобланган IX асрда ҳадисшуносликда катта муваффақиятлар қўлга киритилган. Чунончи, бутун ислом дунёсидаги энг нуфузли манбалар деб тан олинган олтига ишончли ҳадислар тўпламининг (ас-сиҳоҳ ас-ситта) муаллифлари яшаб ижод қилганлар.

Улар орасида “Ҳадис илмида амир ал мўминин” деган шарафли номга сазовор бўлган Имом Бухорий алоҳида эътиборга молик буюк олимдир. Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғйра ибн Бардазбеҳ Жуьфий Бухорий бўлиб, у 810 йил 20 июлда Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўсган. У ёшлигидан ақл-идрокли, ўткир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллайди. Манбаларда кўрсатилишича, у ўн ёшидан бошлаб ўз юртидаги турли ривоятчилардан эшитган ҳадисларни, шунингдек, Абдуллоҳ ибн Муборак ва Вакий ибн Жароҳ каби олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиб, ёдлаган, устози Шайх Доҳилий билан ҳадис ривоятчилари ҳақидаги қизғин баҳсларда қатнашган.

825 йилда Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга қараб йўл тутди, муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, олти йил Ҳижозда яшди. Ҳадис илмидан ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа ва Бағдод каби шаҳарларда яшаб, у жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фикҳ илмидан ҳам таълим олади, йирик олимлар даврасида илмий баҳслару мунозараларда қатнашади ва илм толибларига дарс ҳам беради. Имом Бухорий ҳаётининг кўп қисми хорижий элларда, мусофирчиликда ўтади. Бу ҳақда унинг ўзи: “Миср, Ироқ, Шомга икки мартадан, Басрага тўрт марта борганман. Ҳижозда олти йил яшаганман, Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча марта борганим ҳисобини билмайман”, деган экан. У сафар чоғида ҳам, бир шаҳарда муқим турганда ҳам илмини ошириш борасида тинимсиз ишлар, тўплаган ҳадисларини оққа кўчирар эди. Муаллифнинг ёзишича, Бағдодда истиқомат қилган пайтда кўпинча ойнанинг нурида ижод қилиб, қоронғи кечаларда шам ёруғида китоб ёзар экан. Илмини ошириш мақсадида Бухорий жуда кўплаб олимлардан таълим олади. Нишопурлик ал-Ҳакимнинг (1015 йилда вафот этган) ёзишича, Имом Бухорий таълим олган устозлари сони тўқсондан ортади. Ўз навбатида Бухорий ҳам кўпгина шогирдларига устозлик қилган. Термизлик машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий Бухорийга ҳам шогирд, ҳам сафдош ҳисобланиб, уларнинг ўзаро муносабатлари ибратли бўлган. Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга, Бухорий ҳам Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: “Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқ”, деб унга нисбатан чуқур ҳурматини билдирган. Термизий ўз устози ва сафдоши Бухорийни бутун умри давомида ҳурматлаб, унга самимий садоқатда бўлган.

Имом Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, одамохунлиги, муруватлилиги, ҳимматлилиги ва беқиёс саховатлилиги билан бошқалардан тамомила ажралиб турган. У зеҳни ўткирлиги ва ёдлаш қобилиятининг кучлилиги билан ҳам халқ орасида ғоят шуҳрат қозонган. Манбаларда Бухорийнинг 600 мингга яқин ҳадисни ёд билгани қайд қилинган. Имом Бухорий хориждан қайтгач, ўз ватани Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Ҳасадгўйларнинг хатти-ҳаракати туфайли Бухоро амири Холид ибн

Аҳмад Зухалий Бухорийга шаҳарни тарк этишни буюради. Шундан кейин Бухорий Самарқандга қараб йўл олади ва бирмунча муддат Хартанг қишлоғида ўз шогирдлари ва қариндош уруғлариникида яшагандан кейин оғир касалга чалиниб, 870 йил 1 сентябрда 60 ёшида вафот этади ва шу ерда дафн қилинади.

Имом Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан орттирдир. Улардан “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад”, “Ат-таърих ас-сағийр”, “Ат-таърих ал-авсот”, “Ат-таърих ал-кабир”, “Китоб ал-илал”, “Бирр ул-волидайн”, “Асоми ус-саҳоба”, “Китоб ал-куна” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг энг муҳим асари, шубҳасиз, “Алжомеъ ас-саҳиҳ”дир. Бу асар “Саҳиҳ Бухорий” номи билан ҳам машҳур. Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар. Имом Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб, алоҳида китоб яратди. Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони 7275 тадир. Бу шарафли ишни биринчи Бухорий бошлаб берган бўлиб, кейин қатор олимлар унга тақлид қилиб, шу зайлда ҳадислар тўпламини яратганлар. Имом Бухорийнинг ушбу йирик асари ўз даврдан бошлаб токи шу вақтгача у ислом таълимотида Қуръондан кейинги иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келинмоқда. Имом Бухорийнинг ушбу асарининг кўплаб нусхалари турли шаҳарларда тарқалган. Ҳатто ўрта асрларда яшаган баъзи адиб ва хаттотлар учун бу асар нусхаларини кўчириш тирикчилик манбаи ҳам бўлган. 1325 йилда кўчирилган саккиз жилддан иборат гўзал бир нусхаси ҳозир Истанбулда сақланмоқда.

Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ" асари ислом дини таълимотларига кўра Қуръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади. Бу асарнинг тўлиғича "Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ ал-муснад мин ҳадис Расулуллоҳ-саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмийҳи" ёки бўлмаса тарихчи Бадруддин ал-Айнийнинг ёзишича, "Ал-Жомийъ ал-муснад ас-саҳиҳ ал-мухтасар мин умури Расулуллоҳ-саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмийҳи" деган номлар билан аталса-да, ҳадис илмида қисқача "ал-Жомийъ ас-саҳиҳ" ("Ишончли тўплам"), аксар ҳолда эса "Саҳиҳ ал-Бухорий" номи билан машҳурдир. Асарнинг қирқга яқин қўлёзма нусхалари Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ва яна бир қанча нусхалари Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланади.

Имом ал-Бухорийнинг бу йирик асари, муаллифнинг ўзининг таъкидлашича ҳам, аксар олимларнинг ёзишларича ҳам олти юз минг ҳадисдан сараланиб саҳиҳлари танлаб олинган ва ўн олти йил давомида таълиф этилган. Асар қаерда ёзилган деб савол туғилиши ҳам табиий. Тарихчи ибн Ҳажар ал-Асқалоний мана шу фикрларни жаъмлаб шундай хулосага келган: Имом ал-Бухорий бу йирик асарини ёзишни ва унинг асосий мундарижасини тузишни Маккаю мукаррамада бўлган вақтидан бошлаб ўз она юрти Бухорода асарини ниҳоясига етказиб оққа кўчирган.

“Алжомеъ ас-саҳиҳ”га кўпдан-кўп шарҳлар битилган бўлиб, муҳим манба сифатида у қайта-қайта нашр ҳам қилинган. Имом Бухорий тўпламларига киритилган ҳадислар фақат ислом таълимотига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Улар меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очик кўнгиллик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик ва ҳалолликка даъват этиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуасидир. Унда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керак, нимадан ўзни тийиш лозимлиги ҳақида ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панд-насихат ва ўғитлар акс эттирилган.

1998 йилда буюк ҳадисшунос таваллуд куни кенг жамоатчилик томонидан катта ҳурмат ва эҳтиром ила нишонланиб, Имом Бухорий зиёратгоҳи улкан мажмуага айлантирилди. Аллома макбараси гўзал суратда қайта бино қилинди. Мажмуа таркибига кирувчи масжид таъмирланди. Зиёратгоҳ худуди сўлим гўшага айлантирилди. 2008 йилда

Имом Бухорий мажмуаси Халқаро Марказга айлантирилди. Бугун ушбу маърифий марказда Имом Бухорий меросини ўрганиш ва жамоатчиликка тақдим этиш йўлида улкан ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Moziydan taralgan ziyo. Imom al Buxoriy, T., 1998;
2. Uvatov U., Imom alBuxoriy, T., 1998;
3. Madaminov S, Imom Buxoriy ta'rifi, T., 1996;
4. Imom alBuxoriy — muhaddislar sultoni [nashrga tayyorlovchilar Usmonhoji Temurxon o'g'li, Baxtiyor Nabixon ugli], T., 1998;
5. Dushan Fayziy Zarafshoniy, Imom alBuxoriy, T., 1998;
6. Babaxanov Sh.Z., Velikiye muxaddisi o mire i drujbe mejdu narodami, T., 1998;
7. Ma'naviyat yulduzlari [2nashri], T., 2001.Ubaydulla Uvatov.

АБУ ҲАФС КАБИР МАДРАСАСИ БУХОРОДАГИ ИЛК МАДРАСАЛАРИДАН БИРИДИР

Шаҳзод Ғани ўғли АМИНЖОНОВ

Бухоро давлат университети 4- курс талабаси

Машхура Музаффаровна АҲМЕДОВА

Ғиждувон туман 1-сон касб ҳунар мактаби ўқитувчиси

Қадимдан Бухоро ўзининг кўплаб мадрасалари билан ном таратган. У турли ерлардан илм таҳсили учун талабалар ташриф буюрадиган шаҳар ҳисобланган. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳам Бухорода илмий ва диний билимлар ривожига катта ҳисса қўшган мадрасага асос солган.

Президентликка номзоди берилган вақтда Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятида учрашув вақтида Имом Бухорийнинг устози Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг 1255 йиллигини нишонланишини маълум қилди ва қуйидаги фикрни баён этди. Ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг устози, юртимизда ислом ҳуқуқшунослиги фанига асос солган буюк аллома Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳазратларининг муборак номини абадийлаштириш, илмий меросини халқимизга етказиш бурчимиздир. 2023 йилда Кабир Бухорий бобомиз таваллудига 1255 йил тўлади. Ушбу санани муносиб нишонлаш бўйича махсус қарор қабул қиламиз.

“Мадраса” сўзи луғавий жиҳатдан “дарс берадиган жой”, “билимгоҳ”, “ўқиш жойи” деган маъноларни англатган. Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Мовароуннаҳрда, балки Марказий Осиё, мусулмон шарқида ҳам машҳур эди.

Абу Ҳафс Кабир мадрасаси VIII аср охири – IX аср бошларида бунёд этилган бўлиб, унинг асосчиси ва бош мударриси Абу Ҳафс ал-Кабир бўлган. Абу Ҳафс Кабир Бағдодга бориб, у ернинг буюк алломаси Имом Муҳаммад ибн Хасан Шайбоний билан учрашадилар ва у зотдан дарс ола бошлайдилар. Ҳанафий мазҳаби фикҳини ўзлаштириб, бошқа диний илмларда камол даражасига етгандан кейин она шаҳарлари Бухорога қайтиб келадилар. Бухоро вилоятида у зотга тенг бирор киши бўлган эмас. У зот Бухоронинг мутааххир олимлар жумласидан бўлиб ҳам зоҳид, ҳам олим эди.

Абу Ҳафс Кабир мадраса қуриб, толиби илмларга сабоқ берганлар. Имом Шофеъий Абу Ҳанифанинг таърифларида: “Одамлар фикҳда у зотнинг боқимандаларидир” деганларидек, Бухоронинг барча олимлари ҳам Абу Ҳафс Кабирнинг олдиларида бутун умр қарздордирлар. Чунки буюк муҳаддис, ҳадис илмининг пешвоси бўлмиш Имом Бухорий у кишининг шогирдларидан бўлиб, жуда кўп Бухоронинг олимлари бу кишининг кўл остларида таҳсил олишган.

Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир илму-фазллари юқори баҳолаб, у кишига “Муаллиму Ислом” яъни ислом илмининг муаллими номи берилгандир. Абу Ҳафс Кабир фикҳ илми ривожига улкан ҳисса қўшган, Ҳанафий мазҳабини Ўрта осийёда ёйилишига буюк хизматлар қилганлар. Бухоро аҳолисининг илмли бўлишига, Бухорода илм кенг

Жўраева Ш.	Глобал экологик таҳдид шароитида инсон ва табиат муаммоси.	152
Numanov I.I.	Imom al-Buxoriy merosi – sohilsiz dengiz	156
Karimova L.I.	O'rta osiyolik buyuk allomalarning hadis ilmiga qo'shgan hissasi	159
Muzaffarova I.T.	Imom Buxoriy – hadis ilmining buyuk bilimdoni,	162
Hamdamov F.S.	E'tiqodga baxshida umr.	164
Adilov Z.Y.	Imom al-Buxoriy hadislarida tabiat va inson masalalari	166
Сапайев В.О.	Инсон онги ва тафаккури миллий ғояни тарғиб қилиш тизимининг муҳим омили.	169
Суёнов Ш.Б.	Ўзбек тилининг тадрижий ривож	172
Шодиев Р.Т., Рабимова Ф.Ш.	Футувват таълимоти ғарб ва шарқ олимлари талқинида	176
Рахмонов С.М.	Яъқуб Чархий асарларида Жалолоддин Румий тавсифи (рисолаи унсия мисолида).	179
Қаюмова А.	Ибн Халдун социологик қарашларида ижтимоий муҳит омилининг таъсири	182
Ғуломов А.Б.	Шарқ мутафаккири Форобийнинг илм-фанга қўшган хиссаси	184
Қамбаров А.А.	Мовароуннаҳрда фанларнинг ривожланиш масаласига доир	187
Ҳамдамов И.А.	Хожа Аҳрор Валий темурийлар маънавий йўлбошчиси.	189
Тўйев Ф.Э.	Бухоро вилоятининг демографик динамикаси тарихидан (1991-2021 йиллар)	192
Ғуломов А.Б.	Ўрта Осиё илм-фани ва маданияти ривожланишида Мирзо Улуғбекнинг ўрни масаласига доир	194
Asatulloev A.	The Role Of Al-Islah Magazine In The Socio-Ethical Views Of Abdurahman Tashkandi	197
Ғуломова М.	“Порсоия” таълимоти асосчиси	200
Шарипова О.Т. Иззатуллаева Г.Н.	Абдуҳолик Ғиждувоний – мутасаввиф ва адиб	203
Шарипова О.Т.	Хожагон Тарикати ривож.	207
Ғуломова М.	Порсо асарларида тасаввуфий мавзулар ҳақида	211
Сувонова Ж.Р.	Имом ал-Бухорий тарихидан	214
Тўраева Г.Б.	Ҳадис илмида “Амир ал-Мўминин” Муҳаммад Ибн Исмоил Бухорийнинг ҳаёт йўли	217
Аминжонов Ш.Ғ. Аҳмедова М.М.	Абу Ҳафс Кабир мадрасаси Бухородаги илк мадрасаларидан биридир	219
Джураев Ш.Ф. Халимова Х.	Исторические традиции и специфика в развитии обучения современной философии	222
Soxibova U.SH.	Xulasatul Vafa Biaxbari daril mustafa “ asarida Madina shahrining turli nomlar bilan nomlanishi.	225
Холназарова Д.М.	Талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш механизмлари	227
Бобожонова Ф.Х. Сатторов Ш.К.	Ислом оламининг буюк фикршунос олимининг зиёратгоҳи.	229
Норова М.Ф.	Сайфиддин Бохарзий қарашларида комил инсоннинг маънавий фазилатлари ҳақида	232
Норова М.Ф.	Сайфиддин Бохарзий Кубравия тасаввуф таълимотини ривожлантирган мутасаввиф	235
Садуллаева В.	XX аср бошларида Бухоро мадрасаларида таълим (Муҳаммад Али Балжувонийнинг “Тарихи нофеий” асари асосида)	239
Жамолова Д.М.	Маҳмудхўжа Бехбудий: ислом ва диний кадрятлар ҳақида	242
Мурадов С.А.	Фаридуддин Атторнинг фалсафий дунёқаришини очиб берган асар.	244
Азимов А.А.	Государство и права в эпоху первого ренессанса	246
Темиров Ф.У.	Садриддин Айний – Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний Бухорий ҳақида	250
Темиров Ф.У. Тўхтамуротов Ф.	Шайбонийлар даврида тарих ва манбашунослик Фанларининг ривож	253